

Элёр АЛИМКУЛОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторантиЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ-
МИСТИК РАМЗЛАРНИНГ
ЎРГАНИЛИШИИЗУЧЕНИЕ РЕЛИГИОЗНО-
МИСТИЧЕСКИХ СИМВОЛОВ В
УЗБЕКИСТАНЕSTUDY OF RELIGIOUS AND
MYSTICAL SYMBOLS IN THE OF
UZBEKISTAN

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврларда вужудга келган илк диний тасаввурлардан бўлиши анимизмга оид диний-мистик рамзлар ва тасвирлар талқини юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари илмий равишда умумлаштирилган. Шунингдек, Марказий Осиё халқлари турмуш тарзини тадқиқ этган кўплаб маҳаллаий ва хорижий олимларнинг изланишлари натижалари хусусида ҳам сўз юритилган. Жумладан, Э.Тейлор, А.Писарчик, А.Асқаров, Э.Ртвеладзе, М.Исҳоқов ва Б.Саркаратиларни киритиш мумкин.

Таянч сўзлар: анимизм, руҳ, дарахтлар, барсман, тол, Зардуштийлик, дон, сув, фраваша, жин-фаришта, ажина-дев, Заххок.

Аннотация. В статье обобщены результаты исследований по трактовке религиозно-мистических символов и образов анимизма, одной из первых религиозных идей в древности на территории Узбекистана. Обсуждались также результаты исследований многих отечественных и зарубежных ученых, изучающих образ жизни народов Центральной Азии. Среди них Э. Тейлор, А. Писарчик, А. Аскаров, Э. Ртвеладзе, М. Ишаков и Б. Саркарати.

Ключевые слова: анимизм, дух, деревья, леопард, ива, зороастризм, зерно, вода, фраваша, демон-ангел, аджина-дев, Заххок.

Annotation. The article summarizes the results of research on the interpretation of religious-mystical symbols and images of animism, one of the first religious ideas in ancient times on the territory of Uzbekistan. The results of the research of many domestic and foreign scientists studying the way of life of the peoples of Central Asia were also discussed. Among them are

E. Taylor, A. Pisarchik, A. Askarov, E. Rtveladze, M. Ishakov and B. Sarkarati.

Keywords: animism, spirit, trees, leopard, willow, Zoroastrianism, grain, water, fravashi, demon-angel, ajina-dev, Zahhok.

КИРИШ

Юртимизда илк диний тушунчалар ўрта палеолит даврида пайдо бўлган. Ибтидоий одам ўз атрофида қандайдир кўзга кўринмас мавжудотлар борлигига ишона бошлаган. Чунки у табиат кучларига қарши курашда ожизлик қилган, ўз ҳаёти ва танасидаги турли ҳодисалар (*туш кўриш, галлю-синатсия, ўлим ва ҳ.к.*)ни тушунмаган. Диний эътиқодлар сўнги палеолит даврига келганда шаклланган. Ўша даврда тотемизм, анимизм, фетишизм, сеҳргарлик ривожланиб борган.

Анимизм дини қадимги аجدодларимиз ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Улар жон тана билан боғланган ва у танадан чиқиб кета олади, деб ҳисоблаганлар. Руҳлар яхши, саҳий ҳамда ёмон, ёвуз руҳларга бўлинган. Руҳлар одамлар ҳаётига, турмушига таъсир кўрсата олади, деб тасаввур қилинган. Шу сабабли зарур пайтларда уларга қурбонликлар қилганлар. Ҳали ҳалигача анимизмнинг қолдиқларини ҳаётимизда учратиш мумкин. “Фалончининг руҳи қўлласин” деб дуо қилишда ҳам руҳларга мурожаатларни кўриш мумкин. Синчиклаб таҳлил этилса руҳлар мавзуси бугунги кунда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу мақсадда, мазкур мақолада юртимиз ҳудудида мавжуд бўлган ибтидоий афсоналар ва диний эътиқодларнинг анимизм кўринишидаги рамз ва белгилари хусусида тадқиқот олиб борилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Анимизм сўзи латин тилидаги “anima” сўзидан олинган бўлиб, “руҳ”, “жон” маъноларини англатади. Анимизм руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк дин шаклидир. Анимизм 1871 йили инглиз антропологи Эдвард Тейлор томонидан диний қарашларнинг илк шакли сифатида олға сурилган [1;19]. У тотемизм билан бир вақтда шаклланган. Анимизм табиатнинг қудратли кучлари – осмон ва ер, қуёш ва ой,

ёмғир ва шамол момақалдиروق ва чақмоқларни илохийлаштириб, уларда рух мавжуд деб билар эди. Ибтидоий одамлар тоғлар, дарёлар, адир, ўрмонлар, дарахт, харсанг тош жарликлар ҳам жонли, сезувчи ва ҳаракат қилувчи, яхшилик ва ёмонлик келтириши мумкин деб тушунганлар. Қурбонликлар қилиб уларнинг ҳаққига дуо қилиб, маросимлар уюштиришган.

Шунингдек, кишилар ўз бошларига бирор бир мушкул иш тушса, ўша ерларга бориб сиғинганлар, пул ташлаганлар, арвоҳлардан мадад сўраганлар.

Халқимиз орасида “Арвоҳ – ёр, пирлар мададкор бўлсин” дейилган ҳикматнинг ғанузгача сақлангани бежиз эмас.

Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда ҳам марҳумнинг жони “арвоҳ” деб аталган. Арвоҳнинг бир хусусияти шундаки, у ўликни ташлаб узоққа кетмайди, лекин у қабрдан ташқарига чиқади, деб ҳисобланган. Шунинг учун ҳам қадимги замонлардан арвоҳ учун гўрни тешиб қўйганлар ёки мазор олдида арвоҳ уйи қурганлар.

Ерлик аҳоли томонидан диёримизда ҳам дарахтлар ва унинг шоҳларига алоҳида муносабатда бўлинган. Марказий Осиё халқлари турмуш тарзини тадқиқ этган этнограф ва шарқшунос А.Писарчикнинг фикрига кўра, қадимдан айрим дарахтлар халқимиз тасаввурида хосиятли – енгил, бошқалари эса, беҳосият – оғир саналган. Бири одамларга яхшилик, иккинчиси ёмонлик келтирган, чунки унинг тагида ёмон ва яхши арвоҳ-жинлар ин қурган.

Хусусан, арча новдалари эътиқод маросимларида ишлатилгани маълум. Шунинг учун, қабристонда ўсувчи дарахт ва буталарни синдириш ёки ёкиш жазоланишга лойиқ гуноҳ ҳисобланган. Самарқандда уларни фақат диний эътиқод уйларини қуришга ишлатиш мумкин деб, хонадонга фақат муқаддас ашё сифатида шип тагига осилган. Лайлак ин қурган дарахт муқаддаслаштирилган, бунинг сабаби у илон ва қурбақаларни йўқ қилган, бу жараён зардуштийликда яхши амал саналган. Қора ва ола қарғалар ин қурган дарахт эса беҳосият ҳисобланган [2;251-260].

Археолог олим А.Асқаров ўз тадқиқотларида Сополлитепа хуудидан эрамиздан аввал қабрга тол шоҳчалари тўшалгани, зардуштийликдаги

“барсман” эса мажнунтол шоҳларидан таркиб тошганини ўрганган [3;47]. Тарихчи Герадодга кўра, ўзкамизда тол хипчинларидан фол очишган ва айнан улар диний маросимларда ишлатилган [4;203]. Бухоро ва кейинчалик минтақанинг кўплаб ҳудудларида толнинг ҳавони тозалаш фазилатига ишонишган ва тагида чойхоналар қуришган. Самарқанд, Сўх, Сурхондарё ва Бухорода тол тагида ухлаб дам олиш шифобахш ва савоб иш ҳисобланган. Айни вақтда, айрим дарахт соясида, масалан, ёнғоқ дарахти тагида ухлаш нохуш саналган, чунки руҳлар соя билан бирлашган. Сўхлик деҳқонлар толдан шип ясаган, “қўли етгил бўлиб, шунинг сабабидан деҳқончилик мўлкўл бўлсин”, деб кетмон дастасини ҳам толдан ясаган, Сурхондарёда эса, биринчи баҳорги ер ҳайдаш учун омочни ҳам толдан тайёрлаган. Юртимизнинг жанубида толдан бешик ясаб, чақолоқни ёмон руҳлардан ҳимоя этиш ниятида баҳорда куртак отаётган шоҳчаларини осиб қўйишгани маълум. Толдан ишланган тобут эса марҳумнинг гуноҳларини енгиллаштириб, жаннатга тушишига кўмак беришга ишонишган. Самарқандда ҳам марҳумнинг руҳи енгил кўчишига ишониб, тобут кўтарувчиларнинг ҳассасини ҳам толдан ясаган. Қабр устига тупроқ тортилгач, ҳассани иккига синдириб, бир бўлагини бош устига, иккинчисини оёқ томонига қўйишган. Улар куртак отса марҳум руҳи енгил кўчган, деб ишонишган [5;44].

Фарғона водийси ва Сурхондарё воҳасидаги халқ толнинг деуу парилардан ҳимоя қилишига ишониб, дала ишларида пайтида болаларнинг ўзини тол тагида қолдирган. Шу билан бирга, сўхликлар толни уй ҳовлисининг чегарасида ёки ташқарисида экиб, уйга яқинроқ жойда эса мевали дарахтлар экишган. Ўтганларнинг руҳи шод ва хуррам бўлсин, деб тол шоҳларига латтачалар боғлаб чиқилган. Тагига эса, дарахтни экканнинг руҳига атаб пилта ёқишган. Пилта буғдой бошоқлари ва латтага ўралиб, кунжут ёки зиғир ёғига ботирилган. Мазкур икки ҳудудда бу икки ёғ тури “инс-жинс, ажиналарни ҳайдовчи ва бало қайтарувчи”, деб эътиқод қилинган ва уларнинг уруғлари тумор сифатида тақилган. Мотам маросимларида таомлар ҳам зиғир ёғидан тайёрланган [6].

Самарқанд ва Зарафшон воҳасида чақолоқнинг биринчи олинган сочини

тол дарахти тагига кўмилган. Келин-куёв биринчи марта биргаликда хўплаган пиёла сувини ёшларни фарзандлари кўп бўлсин, деб толга сепилган. Самарқанд табиблари тол шоҳчалари ёрдамида касалларган махсус тайёрланган суюқлик пуркаган. Самарқанд ва Хоразм фолбинлари дев ва ажиналарни хайдаш учун барглари тилинган еттита тол новдаларидан фойдаланган. Зарафшон водийсида қурғоқчилик вақтида маҳаллий “мулла” тол дарахтига тумор осиб, юқоридаги Илоҳ ҳам туморга сув юборади, деб тагидан сув сепиб турган. Баҳор фаслида тол дарахтини кўп экиш улуғ ажр, шохларини синдириш эса оғир гуноҳ ҳисобланган. Истисно тариқасида фақат Наврўз байрамида ишлатиладиган тол шохларини синдириш мумкин бўлган [7].

Бухоро яҳудийлари ҳам етти кунлик ҳосил байрамининг бир кунда меҳроб атрофида тол шохлари билан айланиб, сўнгра уларнинг баргини уриб туширган. Ривоятларга кўра, бир оиланинг боқувчиси яъни эри вафот этганида эрининг қариндошларидан бири ўша ҳовлининг этагига уй қурмоқчи бўлиб, ер талашибди. Шунда бева аёл ўша жойга тол ниҳолларини экибди. Уларни ердан суғириб олган одамнинг пушти қуришига ишонч кучли бўлгани учун эрининг ҳалиги қариндоши ўз ниятидан қайтибди [8].

Хоразм аҳолисида руҳи равон атамаси инсон танасини тарк эта оладиган руҳни англатган ва шу билан жондан фарқ қилган. Кўхна Урганчда Тўрабека-хоним ва унинг маҳбубининг аянчли ўлимидан кейин руҳлари кабутар тарзида учиб кетгани ҳақида афсона мавжуд. Аждодларимизнинг бундай тасаввурлари дафн ҳокдонларининг тузилиши ва безатилишида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Хоразмдаги Қалъалиқир обидасининг эрамиз бошига мансуб айрим тўртбурчак оссуарийлари куш ҳайкалчаси ўрнатилган қопқоқ билан ёпилган. Хоразмнинг Миздахкан мазороти оссуарийларидан ҳам (56x25x54 см) бирининг қопқоғида ҳам куш (эхтимол товус) ҳайкалчаси ўрнатилган [5;49].

Қадимги макбараларга дон ва сув учун идишлар қўйилиши руҳнинг куш сиймосида тасаввур этилганлиги билан боғлиқ бўлиши руҳнинг куш сиймосида тасаввур этилганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Оссуарий

қопқоғидаги қанот ёйган куш тасвири руҳнинг самога учишини ифодалайди, деворларидаги ўйма нақшлар ва шакллар ҳамда одам боши ҳайкалчаларини эса, олимлар марҳумнинг руҳи ва ҳомий фариштасини ифодаловчи фравашини, деб ҳисоблайдилар [9;31].

Бунга яққол далил сифатида Самарқанд музейида сақланувчи Лоиш оссуарийсида оғзи пўша билан боғланган коҳинлар алангали оташгоҳ олдида тасвирланиб, қопқоғида иккита фаришта ўсимлик новдалари билан парвоз этмокда. Ён биқинидаги деворларида коҳинлар қўлидаги рамзлари билан тик туришибди ёки ўтиришибди [10;130].

Дарҳақиқат, оссуарийдаги ҳайкалчалар ва ўйма нақшлар олий кучларга хос рамзлар бўлиб, аждодлар руҳига сажда этиш эътиқодининг ашёвий ифодаси эканлигига шубҳа йук. Яъни ўзига хос ибодатгоҳ бўлган. Хоразмнинг Токқалъасида VII-VIII асрларга мансуб 100 дан ортиқ оссуарийлар, жумладан, 20 таси бутун ҳолатда топилиб, улардаги қадим Хоразм ёзувларини ўқиган В.Лившиц, ўлкамизнинг ўзига хос диний ва ижтимоий атамаларини киритади, шулар жумласидан, хоразмча шевада макбара ва ҳокдонларнинг номи: науслар – “фравартик” – “такводорлар руҳларига мансуб”, оссуарийлар эса “тапанкук” – “қутича, сандикча”, деб аталган.

Хоразмнинг Қалъалиқир икки ибодатхонасидан топилган сувдондаги каварик тасвирда икки ўрқачли туя устида дарахтга яқинлашаётган бир одамни олимлар Зардушт деб атайди (9-расм).

Зардуштийлик китобларида Ахура Мазда Зурдушт фравашисини борлиқ ибтидосида яратиб, уни Ҳаёт дарахти Хаома танасига жойлагани, олти минг йил ўтгач эса, умумқоинот миқёсида яхшилик ва ёмонлик орасидаги кураш асносида Зардушт инсон сиймосида гавдаланиб, ҳақиқатнинг илоҳий нури билан нурафшон этилгани ёзилган. Ўрта асрларгача бир афсона сақланиб келган: муқаддас сарв дарахтида Ахура Мазда сўзи нашланиб, Зардушт самодан сарв ниҳолини келтирган экан. Тасвирдаги дарахт ҳам сарвга ўхшаш [11;227].

Марҳумнинг хоки сақланувчи оссуарийдаги тасвирлар марҳум руҳининг бахтли келажагига ният этиши ҳақидаги қадимгиларнинг тушунчалари ибодатхоналар ва дафн ашёларида

ўз рамзий ифожасини топиб, марҳумлар руҳига бағишланган. Масалан, Токқалъадан топилган иккита оссуарий қопқоғининг пастки қисми эни бўйлаб қизил чизик билан бўйлиб, ичида оқ рангли кичик учбурчак ва халқачалар чизилган. Қопқоқнинг икки томонида доира шакли тасвирланган бўлиб, чапдаги доиранинг ичида оқ халқачалар, учбурчак ва барглар ифодаланган.

Қопқоқнинг тепа қисми оқ рангга бўйлиб, ичида думалоқ дискдан икки томонга сарик тасмалар торитилган, устида эса ҳилол Ой тасвирланган. Унинг ичида балқиб чиқаётган Қуёшга ўхшаш тасвир бор. Оссуарийдаги тасвирлар маҳоратни эмас, ўлкамизда кенг тарқалган анъанавий одатни эҳтирос билан кўрсатишга қаратилгани кўриниб турибди. Умуман, Ой ва Қуёш рамзлари ҳукмронлар тожлари, ўлкамизнинг турли минтақаларидаги оссуарий ва деворий тасвирларида кўплаб учрайди.

Шундай қилиб, оссуарийлардаги Қуёш, Ой ва юлдуз тасвирлари марҳумга юксак мақомларга эришиш ниятидаги тилак дуоси бўлган, дейиш мукин. Бу рамзлар Шарқдан Рим империясига сингиб ўтиб, мақбаралар ва Митра ибодатхоналарида ўз аксини топади. Ҳилол Ой ичидаги ҳалқа тасвири Анвхитанинг рамзи бўлган. Хоразмнинг кумуш лаганларида ҳам Анахита тожининг устида ҳилол Ой, кўтарилган қўлларида эса Қуёш ва Ой рамзлари ифодалангани оссуарийлардаги тасвирларга мос тушади, деб хулоса чиқаради Ю.Рапопорт [12;107].

Қадим аждодларимиз марҳумлар шаънига ўтказилган хотирлаш зиёфатларида махсус тайёрланган эътиқод ашёларидан фойдаланиб, уларга ҳам турли рамзлар туширилган. Шулар қаторидан, лаганлардаги қуш тасвири (11-расм). Шунингдек, марҳум тепасига дафн этишдан олдин ва кейин муайян кунлар давомида чироқ ёқилиши шарт бўлгани учун махсус чироқдонлар ишлатилган. Эҳтимол улар қуйидаги шаклда бўлган (12-расм).

Арафа куни аждодларимиз ўлганлар руҳларига атаб махсус таомлар тайёрлаб, очик дарвоза олдида ҳовлида олов ёқиб ўтиришган. Уларнинг тасаввурида арвоҳлар пайшанбадан жумага ўтар кечаси ўз уйни зиёрат қилар экан. Йил охирида эса ҳайкал-хокдон олдида ўтказилган [5;58].

Хоразмда афсунгарлар фотиҳа олиш учун қадимги Қалъажиклар тунашган. Бу жой эса, бутун Марказий Осиёда темирчилар пири сифатида эъзозланган Ҳазрати Доқуд билан яқиндан боғлиқ. Фолбинлар. “тушимда фотиҳа берган Довуд хўжа бобо номи билан”, деб фол очиш жараёнини ўтказган. Темирдан ясалган нарсалар тумор сифатида ишлатилганини эсласак, афсунгарлик, темирчилар ва сеҳр-жоду орасидаги боғлиқлик таажжубланарли эсам, деб ҳисоблайди олимлар [7;45-46].

Фравашилар фақат жон-руҳ рамзи бўлиб қолмай, қудратли аждод-илоҳлар руҳи сифатида салобатли қудратли жангчи ёки чавандоз сифатида ҳам гавдаланган [13;499].

Христианлик даврида диний-мистик рамзлар сифатида қанотли фаришталар барча ибодатхоналарнинг деворларини безайди. Исломда эса, учаётган париларга айланиб, уммат учун умумий бўлган фаришталар орасига қўшилиб кетади [10;57, 72]. Мухаммад пайғамбар Меърож кечаси Бурок отида парвоз этганида, саккизта қанотли фаришталар унга ҳамроҳ бўлиш саҳнаси Киев музейида сақланувчи ўлкамиз миниатюрасида тасвирланган. Фаришталар қўлида аланга ёнаётган идишлар, чироқлар ва машъала ифодаланган [14;37]. Самарқанднинг V-VIII асрларига мансуб сопол ҳайкалчалари ва кумуш жомиди қнотли илоҳалар фраваши сифатида гавдаланади. Ҳатто ислом даврида ҳам астрономик атласларда қанотли илоҳа устига туширилган нуқталар юлдуз туркумини тасвирлаган [10;92].

Ислом ва христианликда бундай тушунчалар аввалги бутпарастлик эътиқодларидан қолдиқ ўзлашма сифатида ўтгани аён. Инсоннинг асрагувчи ва ёвуз руҳ фаришталари мавжудлигига эътиқод мисоли – Мункар ва Накир.

Суғднинг қадим эътиқодларида Деваясна ғоявий жиҳатидан кучли ривожланиб, ҳукмронларининг исмлари Девастич, Деваштич, девдато, Девдаст бўлгани бунга далил. Деваяснанинг хусусий белгиси энг қадим шаклдаги оловга топиниш бўлган [15;242-254].

Ёлғиз Аҳура Маздага эътиқод киритила бошланган пайтдан эътиборан, девлар қора кучлар сифатида лаънатланади. Масалан, дев Бўшяста узун қўллари билан одамлар ғайратини тўхтатиб, дангасаликка чўқинтиради ва

Авестога кўра, уни енгиш – савоб ҳисобланган [16;62]. Ахура Мазда шундай дейди: “Мозан девларин қирай // Улар қаҳрин йўқ қилай”. Мозан – мифологик девлар макони ҳисобланиб, зардуштийлик Эронга ёйилгач, Каспийдан жанубдаги ўлкага Мозандарон номи берилган [5;64].

Зардуштийлик таълимотига биноан, девлардан энг махлуқи ва инсонга заралиси Заҳҳок бўлган. Суғд Панжикентининг V-VII асрларга мансуб айвон деворларидан бирида елкаларидан илонлар ўсиб чиққан шоҳ Заҳҳок шундай тасвирланган.

Мазкур мавзу Суғдга қадар икки минг йил олдин қадим Месопотамияда кенг тарқалгани маълум бўлиб, маҳаллий цилиндрсимон муҳрларида елкаларидан аждарҳолар ўсиб чиққан маъбуд акс этган. Қадим Бактриянинг Заҳҳок ҳайкалчасида эса, илонлар икки чаккасида осилиб туршган.

1969 йили илк бор Э.Ртвеладзе ва М.Исҳоқов томонидан тадқиқ этилган Сурхондарёнинг Бароттепа обидасидан топилган қолип ҳам Заҳҳок ҳайкалчаларини ясашга мўлжалланган.

Аммо, турли замон ва халқларда жин-фаришта – ажина-дев атамалари турли мазмунда ишлатилганлиги бу масалага эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб этади. Масалан, эронлик олим Б.Саркаратининг фикрича, барча зардуштийлик матнларида авесточа Parika ва ўрта-форсча Parik аёл жинслик ахриман махлуқ бўлиб, ёмонликнинг ифодасидир. У ёвуз, жаҳлдор ва нопок бўлиб, жодугарлар, девлар ва авесточа Jahika – дев-аёл билан бир қаторда номланади. Аммо зардуштийлик уларнинг ҳам ўлкасига келгач, ахлоқ нормалари ўзгариб, гуруҳий фоҳишабозлик ман этилади. Маъмуда ҳам рад этилиб, ахримоний махлуқ деб эълон қилинади ва девларга тенглаштирилади [17;119].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, анимизм издошлари рух ва инсон ҳаётини ҳам тириклигида, ҳам нариги дунёда бошқаришига ишонишган. Бундан эса, рухларга хуш ёқиш, ғазабини келтирмаслик ҳиссиётлари пайдо бўлиб, пировардида. Уларга сажда қилишга ўтилган. Шу аснода, инсон кўркув асосида бўлса ҳам, яхши ва ёмонни фарқлаб, ўзини ножўя қадамдан тияди ва маълум бир ахлоқий меъёрлар вужудга келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Агзамходжаев С.С., Раҳимжонов Д.О., Мухамедов Н.А., Нажмиддинов Ж.Х. Дунё динлари тарихи. –Т.: Тошкент, 2011. –Б. 19.
2. Писарчик А.К.О пережитках культа ивы у таджиков // Прошлое Средней Азии. – Душанбе, 1987. -С. 251-260.
3. Аскарлов А.А. Самаллитепа. – Ташкент, 1980. –Б. 47.
4. Герадот. История в девяти книгах. Т.IV. Пер. Г.А.Стратановского. – Л., 1972, -С. 203.
5. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. -Тошкент: Ғ.Ғулом., 2008. – Б. 44.
6. Смирнова О.И. Места домусульманских культов Средней Азии (по материалам топонимики) // Страны и народы Востока. Вып. X. – М., 1971.
7. Снесаров Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма. – М., 1969.
8. Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1975. № 2.
9. Массон М.Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк. – Ташкент, 1953. – С. 31.
10. Ремпель Л.И. Цеп времен. – Ташкент, 1987. – С. 130.
11. Калалы-гыр 2. Культовый центр в Древнем Хорезме. М., 2004, - С. 227.
12. Рапопорт Ю.А. Из истории религии Древнего Хорезме // ТХАЭЭ. Т.VI. 1971. – С. 107.
13. Herzfeld E. Zoroaster and his world. – Princeton, 1947. –Р. 499.
14. Крачковская В.А. Мусульманское искусство в собрании Ханенко // ЗКВ. Т. II. 1938. –С. 37.
15. Henning W.B. A sogdian God // BSOAS. V. 28, 2. 1965. –Р. 242-254.
16. Авесто. – Ташкент, 2001. – С. 62.
17. Бертельс А.Е. “Пери” // Культура и искусство народов Средней Азии в древности и средние века. – М., 1979. – С. 119.